

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Л. Бегимкулова	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
Ш.Рискулов	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосийёсий вазият.....	174
А.Нишонов	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
С.Мўминов, Н.Кўлдашев	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
Ф.Маматкулова	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
Ш.Низамова	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
М.Нуъмонжонова	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
С.Хақназарова	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
М.Хамидов	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
Г.Ҳимматова	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
И.Доронина	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
Э.Гиздулин	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
Г.Розиқова, Э.Маруфова	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
Д.Юлдашева	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
Н.Умарова, Х.Фаттоҳов	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
Н.Расулова	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
М.Саидова	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
Н.Каримова	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
Н.Турсунова	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
Ф.Анварова	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....	246

УДК: 413.0+811.512.133

АРАБЧА ЎЗЛАШМАЛАР ВА УЛАРНИНГ НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚўЛЛАНИШИ
АРАБСКИЕ ЗАИМСТВОВАНИЯ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ НАВОИ
ARABIC ASSIMILATIONS AND THEIR APPLICATION IN NAVOI WORKS

Н.Умарова¹, Х.Фаттоҳов²

¹Н.Умарова

– ФарДУ тилшунослик кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди.

²Х.Фаттоҳов

– ФарДУ тилшунослик кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада ўзлашма сўзлар, арабча ўзлашмалар ва уларнинг ўзбек тили луғат тизимидаги ўрни, Навоийнинг сўз ўзлаштириш имкониятлари, шоир асарларида қўлланган арабча ўзлашмалар статистикаси ҳақида фикр юритилади.

Аннотация

В статье рассматриваются заимствованные слова - арабизмы и их место в лексической системе узбекского языка, возможности заимствования слов Навои, статистика арабских заимствований, использованных в произведениях поэта.

Annotation

This article discusses idioms, Arabic idioms and their place in the Uzbek lexical system, the possibilities of word acquisition of Navoi, statistics of Arabic idioms used in the works of the poet.

Таянч сўз ва иборалар: тилининг луғат бойлиги, ўзлашма сўзлар, арабизмлар, сўз ўзлаштириш йўллари.

Ключевые слова и выражения: словарный запас языка, заимствованные слова, арабизмы, способы заимствования слов.

Keywords and expressions: vocabulary of the language, borrowings, arabisms, ways of borrowings.

Дунёда бирорта тил йўқки, унинг луғатида бошқа тилдан олинган сўз бўлмаса. Ўзбек тили луғатидаги арабча ўзлашмаларнинг оз қисмигина бевосита араб тилининг ўзидан олинган. Бундай ўзлаштириш асосан Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши, мактаб-мадрасаларда араб тилининг дин тили сифатида тарғиб қилиниши билан, энг муҳими – шарқ оламида фан тили деб араб тилининг қабул қилинганлиги каби омиллар билан боғлиқ. Демак, араб тилидан бевосита ўзлашмалар асосан фанга ва динга доир лексемаларга тўғри келади.

Арабизмларнинг ўзбек тилига ўзлашувида форс тилининг ўрни катта. Асли арабча ўзлашмалар олдин форс тилига ўзлашган, кейингина ўзбек тилига ўзлаштирилган. Бундай йўл билан сўз ўзлаштириш асосан кундалик турмушда учрайдиган нарса ва ҳодисаларнинг номларига тўғри келади. Арабча сўзлар ўзбек тилига кўпинча айнан олинмай, маълум даражада ўзлаштириб, ўзбекчалаштириб, кўп ҳолларда ўзбек

тилининг товушларига мослаштириб олинган. Ҳозирги адабий ўзбек тили унли товушлари қаторида чўзиқ товушлар йўқ, шунга кўра араб тилидан олинган лексемалар таркибидаги чўзиқ унли товушлар одатда қисқа товушларга алмаштирилади. Арабча лексемаларни ўзлаштиришда улар таркибидаги чўзиқ товуши асосан ўзбекча товушига алмаштирилганини қайд этиш лозим, чунки бу ерда товушни фақат миқдорий (чўзиқлик) жиҳатидангина эмас, балки сифатий (лабланиш) жиҳатидан ҳам сезиларли ўзбекчалаштириш юз беради.

Араб тилининг товушлар тизимидаги бир қанча товушлар ўзбек тилининг товушлар тизимида йўқ, шу сабабли бундай арабча товушлар ўзбек тилидаги энг яқин муқобилига алмаштирилган. Араб алифбосидаги ط, ت (т) товушлари ўзбек тилида биргина т (t) товуши билан, яъни араб тилидаги икки хил артикуляциядаги ط, ت (т) товуши ўзбек тилидаги бир т(t) товуши билан ифодаланган. Ёки араб тилидаги ض, ز, ظ, товушлари ўзбек тилидаги з товуши

билан муқобиллаштирилган. Ўзбек тилидаги ҳ(х) товуши ҳойи ҳутти (ح) ва ҳойи ҳавваз (ه) товушларининг бир товушга бирлаштирилган кўринишидир.

Ўз тилга ўзга тилдан сўз ўзлаштиришнинг икки хил усули мавжуд: жонли сўзлашув орқали, босма манбалар орқали. Жонли сўзлашув орқали ўзлаштириш ҳар хил тил вакилларининг бевосита мулоқоти натижасида воқе бўлади, бир тилга хос лексема иккинчисига сўзлашув тилига хос шаклида ўзлашади, кейин бу лексема адабий тилга ҳам ўтиши мумкин. Адабий тилга ўтишида баъзан бу лексеманинг сўзлашув тилига хос шакли сақланади, кўпинча эса сўзлашув тилига хос шаклидан воз кечилиб, адабий тилга хос шаклида олинади. Масалан, арабча **танур** лексемаси ўзбек тилига жонли сўзлашув орқали **тандир** шаклида ўзлашган ва адабий тилда шу шакли расмийлашган. Масалан: *Тандир* а. تور – нон ёпиладиган ўчоқ, қурилма. Нон, сомса, кабоб кабиларни ёпиб пишириш, тайёрлаш учун лойдан ясалган қурилма [1, 662]. Бундай ҳолатлар ўзлаштирилаётган лексема талаффуз жиҳатидан ноқулай бўлганида ёки ўзлаштирилаётган тилга товуш жиҳатидан бўйсундириш лозим бўлганида юз беради.

Ф.Абдуллаевнинг таъкидлашича, “Алишер Навоийнинг поэтик ва илмий асарлари тилидаги араб тилидан кирган сўзлар шоир сўз бойлигининг тахминан 30-33, форс-тожик лексик элементлари эса 18-20 фоизини ташкил қилади” [2, 254]. Б.Бафоевнинг статистик маълумотиغا кўра, Навоий асарларида қўлланган барча сўзлар 26035 та [3, 19] бўлиб, шундан 7973 [3, 29] арабчадир.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, арабча лексемалар ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажаратилади:

1) эски ўзбек адабий тили даврига хос маъноларда қўлланадиган арабча лексемалар: *муддат*, *муддао*, *манзил*, *азоб*, *меҳр*, *иноят*, *ошкор*; 2) семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган арабча лексемалар: *хилват*, *ғараз*, *меҳнат*, *ғурбат*, *маърака*; 3) мустақил қўлланмайдиган арабча лексемалар (*дохил* – “кирувчи, кирган”, “дахлдор, тегишли” (НАЛ, 200); 4) ҳозирда қўлланмайдиган арабча лексемалар (*сабт* – Навоий асарларида “маҳкам туриш”, “ёзиш, қайд этиш

маъноларида ишлатилган” (НАЛ, 536) [4, 53-57].

Босма манбалар орқали ўзлаштиришда бадий адабиётнинг ўзи ёки таржимаси орқали ўзлаштирилади. Эски ўзбек тилида асар номларининг арабча эканлиги ҳам арабча ўзлашмаларнинг эски ўзбек адабий тили даврида, шунингдек, Навоий ижодида ҳам арабизмларнинг библионим сифатидаги ўрнини белгилайди: “... *мазкур асарлар ўн икки жилд шеърий ва тўққиз жилд насрий (китоб)дан иборатдир. Шеърий асарлар: Фаройиб ус-сиғар, Наводир уш-шабоб, Бадойиъ ул-васат, Фавойид ул-кибар, Хайрат ул-аброр, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Сабъайи сайёра, Садди Искандарий, Лисон ут-тайр, Арбаъин манзум, Назм ул-жавоҳир. Насрий асарлар: Маҳбуб ул-қулуб, Мизон ул-авзон, Хамсат ул-мутаҳаййирин, Насойим ул-муҳаббат, Тарих ул-анбиё, Тарихи мулуки Ажам, Мажолис ун-нафойис, Муншаот, Вақфномаи мадрасайи ихлосия*” [5, 10].

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг тузилиши борасида фикр билдирган ўринда жумлалар фақатгина арабча сўзлардан ташкил топганлигини кузатиш мумкин. Жумладан: “Чун бу мақолатнинг қулубга маҳбублуғи маълум бўлди, анга “Маҳбуб ул-қулуб” от қўюлди. Ва бу битилган фавоиднинг кайфияти чун билдилди, ани уч қисм қилинди. Аввалги қисм: соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти; иккинчи қисм: ҳамида афъол ва замима хисол хосияти; учинчи қисм: мутафарриқа фавоид ва амсол сурати” [6, 12].

Шоирнинг “Фавоид ул-кибар” девонидаги “*Эй, кўнгул ичра майи васлинг учун ком таманно*” мисралари билан бошланувчи 9 байтли ғазалда ўзлашмалардан форсча ва арабча сўзларни ғазалнинг умумий лексик қатламидаги нисбатини таққосладиган бўлса, бу қиёсда ғазалдаги ўзлашма сўзларнинг фаол қатлами яққол кўзга ташланади. Ғазалда жами 127 та сўз қатнашган бўлиб, улардан 36 таси арабча, қолган 23 та сўз эса форс тилига, қолган лексик бирликлар туркий қатламга мансуб. Бу қатламнинг асосий таркиби ундов сўзлар, кўмакчи ва боғловчилар ҳисобига кенгайган. Ушбу ғазал мазмунини ёритиш учун шоир форсча сўзларга нисбатан арабча лексемаларнинг ифода имкониятларидан унумли

фойдаланган. Бу каби миқдорни барча ғазаллар учун бирдек деб бўлмайди, чунки ғазалларда ўзлашмалар миқдор жиҳатдан кескин фарқланади. Масалан, 9 байтли ушбу ғазалда арабий ва форсий ўзлашмаларнинг байтлардаги нисбати турлича. Ғазалнинг куйидаги байтида 7 та арабча сўз иштирок этган бўлишига қарамай, форсча ўзлашмалар кузатилмайди: *Кимки ул ваҳм^ау хаёл^аи аро зот^аингни кижрди (7:3^а;0^ф)*, *Қилмади ғайри^а хаёлот^а ила авҳом^а таманно^а (6:4^а; 0^ф)*.

Ғазалларда баъзан арабий ўзлашмалар, баъзан форсий ўзлашмалар салмоқ касб этади. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, ғазалнинг мазмуни, айна пайтда, қофияланиш системасининг қайси тил бирликларидан танланиши кўп ҳолларда бу муаммони ҳал қилади. Ғазал тузилишининг марказий унсури бўлган қофияга мувофиқ тарзда ғазал таркибидаги сўзлар қофия

тизимига хос лексик бирликлардан ташкил топган бўлади, дейиш бирмунча асосли. Арабча ўзлашмалар илоҳий ишқ тавсиф этилган ғазалларнинг лексик тизимида муҳим ўрин тутати.

Б.Бафоев томонидан келтирилган статистик маълумотга кўра, Алишер Навоийнинг 104 минг мисрадан ортиқ туркий тилдаги, 10 минг мисрадан иборат форсий тилдаги шеърлари ва бунга қўшимча насрий асарлари ва мактублари – ҳаммасининг сўз бойликлари тахминан 1 миллион 378 мингдан ортиқ сўзни ташкил қилади [7, 127]. Шоирнинг бу қадар улкан тил бойликларини ўзида мужассам этган ижоди – жаҳон тиллари тарихида кам учрайдиган ҳодисалардан саналади. Навоий жам этган сўз бойлиги ўша даврда маданий доиралар яхши тушунадиган арабча ва форсча сўзлардан ҳам кенг фойдаланганлигини кўрсатувчи далилдир.

Адабиётлар:

1. ЎТИЛ. 5 жилдли. 3-жилд.- Т.: ЎМЭ, 2007.
2. Абдуллаев Ф. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – 1968.
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т., 1983.
4. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. – Т.: Фан, 2007.
5. Мирзо Меҳдихон. Мабони ул-луғат. – Т., 2008.
6. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб . – Т.: Ёшлар нашриёт уйи, 2018.
7. Қодиров П. Тил ва эл.– Т.: Маънавият, 2010.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).